

МИКРОБЛИ БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР ТУПРОҚ ҲИМОЯСИДА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИОЛОГИК УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА УЧТА МУҲИМ МАСАЛАНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ:



ЭКОЛОГИЯ ЖИҲАТИДАН ХАВФСИЗ
ЯНГИ БАКТЕРИЯЛИ ЎФИТЛАР ВА
КОМПЛЕКС ТАЪСИР КУЧИГА ЭГА
БИОПРЕПАРАТЛАР

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда биопрепаратларни фойдали қўллаш

Табиатнинг ўзидан ажратиб олинган ва самара берувчи микроорганизмлар биотехнологиясида қўлланадиган микроорганизмлар тупроқда керагидан ортқ йиғилиб қолмайди. Қолаверса, улар табиат экотизимлари мувозанатини ҳам бузмайди.




Химикатларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салбий таъсири

Биопрепаратларни қўллаш, қишлоқ хўжалигида кимёвий препаратларни қўллашдан фарқли ўлароқ, салбий оқибатларни келтириб чиқармайди.



БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИК



Ўсимликлар касалликлар, зараркунандалар ва турли стресс ҳолатлари ноқулай об-ҳаво (қурғоқчилик, аёз, кучли ёмғир ва шамол) ва тупроқ (шўрланганлик, емирилиш, pH, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши) шароитларига чидамли бўлади.



ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК

Биологик ўғитларнинг таннархи паст экани ҳисобга олинса, уларнинг қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва кимёвий фунгицидлар ва минерал ўғитларга сарфланадиган харажатларнинг камайтириши иқтисодий самарадорлик ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишига сабаб бўлади. Бу янги босқич – деҳқончиликда биологик усуллардан фойдаланишга ўтиш имконини беради ҳамда нафақат салмоқли иқтисодий, қолаверса, экологик ва ижтимоий самара беради, ресурсларни тежайди!



ЯНГИ БИОТЕХНОЛОГИЯНИНГ ҚЎЙИДАГИ УСТУН ЖИҲАТЛАРИ БОР:

- кимёвий фунгицидларни биофунгицидларга алмаштиради
- қишлоқ хўжалик экинларининг илдиз чириши, фузариоз, альтернариоз ва вилт билан касалланишини камайтиради
- тупроқнинг микотоксинлар ва хлорогенлик пестицидлар билан булғанишини камайтиради
- минерал ўғитларни биологик ўғитлар билан алмаштиради
- кузги буғдойнинг илдиз чириши, занглаш каби касалликлар билан оғриши ва сўлиб қолишини камайтиради
- қишлоқ хўжалик экинларининг турли касалликлар ва об-ҳаво шароитларига чидамлигини оширади
- тупроқ микрофлораси ва озука элементлари мувозанатини нормаллаштиради
- тупроқ таркибиде фосфатнинг ортиб кетишини ва шўрланиш даражасини камайтиради
- ўсимликларнинг чидамлилиги, қурғоқчиликка ва аёзларга бардошлилигини оширади
- тупроқда мавжуд макро ва микроэлементлари ўсимликлар ўзлаштира оладиган шакллارга ўтказилади
- тупроқ таркибиде NaCl
- ҳосилнинг етилиш мuddатини 10-15 кунга тезлаштиради
- мевалардаги витаминлар ва каротин миқдорини оширади
- уруғларнинг тупроқдан униб чиқиши ортади
- Бир қатор хўжаликларнинг маҳсулотнинг янги, жумладан, экологик жиҳатдан тоза турларини рентабелли ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш имконини беради (сабзавот экинларига аънавий усулда ишлов бериш технологияси билан солиштирганда бир мавсумда бодринг таркибидеги нитратларни 10,3 фоиз камайтириш ва С витаминини 2,9 фоиз кўпайтириш; картошка таркибидеги нитратни 10,6 фоиз камайтириш, С витаминини 1,2 фоиз, крахмал миқдорини эса 2 фоиз кўпайтириш).
- ерга солинаётган ўғитларнинг фойдали иш коэффициентини оширади
- сув сарфини 20-30 фоиз камайтиради
- емирилган ва шўрланган тупроқ ҳосилдорлигини тиклайди ва оширади
- Моддий ва меҳнат ресурсларини кам сарфланган ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлиги, таъм сифати, сақланувчанлиги ва сифатини оширади: қанд лавлагиникини – 45 г/т; бодрингникини – 3,6 т/га; картошканикини – 5,2 – 5,9 т/га; буғдойникини – 5,9 – 8 ц/га.
- тупроқ микробиотасини соғлаштиради

Инфографика Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Микробиология институти тақдим этган маълумотлар асосида тайёрланди.